

Собиржон СЕТТИЕВ

Умр дафтари

*Шукронам ҳаётнинг мақоми ҳисоб,
Дақиқа қадрини қилар сарҳисоб.
Ўйк эдик, аста дунёни кўргач,
Умр варағига айланди китоб.*



УЎК: 821.513.133-3

84(5Ў)7

C48

Сеттиев, Собиржон

Умр дафтари: тўртликлар / С.Сеттиев. Тошкент:
“Истиклол нури”, 2014. - 100 б.

КБК 84(5Ў)7

Муҳтарам китобхон! Ушбу тўплам, гарчи, ихчам тўртликлардан жамланган бўлса-да, уларда бир олам мазмун мужассам. Катрада қуёш акс этганидек, ихчам сатрларда катта фалсафий фикрлар ўз аксини топган. Уларни ўқиб, баҳра олиш ўзингизга ҳавола, азиз шеърхон.

ISBN 978-9943-4304-0-2

© С. Сеттиев,
© “Истиклол нури”,
2014 й.

Kitobxon.Com



ТЎРТЛИКЛАР

Аёлни эъзозлаб, асраб-авайланг,
Баҳордай яшнасин дурқун жамоли.
Муродга етади покликни туйган,
Авлод давомчиси, вафо тимсоли.

* * *

Ҳиссиёт меҳнатга очар бўлса йўл,
Ҳалол ризқ тошганинг дастурхони мўл.
Қанчалар оила яшаса иноқ,
Боғдаги ниҳолдай яшнар ўнгу сўл.

* * *

Ҳаётда онанинг ўчмас изи бор,
Қалбида сақловчи ўғил-қизи бор.
Ватан тимсолида фаришта мисол,
Ҳақдан кароматли ширин сўзи бор.

* * *

Дўппига кўнганда бодомнинг гули,
Кўзмунчоқ тақади оналар қўли.
Сарупо кийимлар — миллий анъана,
Ўзбекона ғурур қилар тантана.

* * *

Оқ либосли ҳар бир шифокор,
Инсон ҳаётини тутар устивор,
Аллоҳ мадад берса, қўлласа Танграм,
Мўъжизали қўли бўлар нажоткор.

* * *

Пок ниятли шифокор,
Доим қалбларга мадор.
Кимки қасамга содиқ,
Таъзим қилади борлиқ.



* * *

Қайси миллат яшаса соғлом
Келажаги буюк бўлади.
Соғлом турмуш эзгу эҳтиром,
Покланган қалб нурга тўлади.

* * *

Саломатлик – бебаҳо неъмат,
Тақдиримиз шунда намоён.
Сақлаганга абадул-абад,
Бахту тахтдир макону замон.

* * *

Шифокорнинг ширин сўзи шифодир,
Майин табассум-у, кўзи шифодур.
Нияти холис-у, аҳдига содиқ,
Илиқ нурли юзи шифодур.

* * *

Дунё зиёсини излаб яшайман,
Хунари борларни сизлаб яшайман.
Донолар бисотин чуқур эгаллаб,
Миллат тақдири деб қадам ташлайман.

* * *

Оталар битигин маъносин англа,
Эй фарзандим, яхшилик кўзла.
Бағринга бос авлодларингни,
Қўшни-қариндошдан қўлингни узма.

* * *

Пинҳона кузатсанг бу сирли олам,
Борин яширади, айлайди сароб.
Алдовга ишониб қўйилса қадам,
Чекажагинг бўлар алам, изтироб.



* * *

Совға келтиради тўйларга меҳмон,
Инсоний фазилат кўнгилга дармон.
Ғаразли тухфадан бўлинг эҳтиёт,
Тишида очилган гул берар илон.

* * *

Тери титкилаётган тулки дер:
Тишим зарбасига чидамайди шер.
Муғомбир ишига қоламан ҳайрон,
Йиқилган гавдани тепкилаш осон.

* * *

Шабнамнинг дўниши зумрадга қиёс,
Билиб-билмай қўймангиз ҳавас.
Зумлик йилтираш – кўзни алдайди,
Товлансада умри дақиқа холос.

* * *

Давлатманднинг кўзи молу дунёда,
Донишманд ўй-фикри илму зиёда.
Бойлигу ҳашамлар бир кун йўқолар,
Доно устозлардан нурли из қолар.

* * *

Бахт номасин аёллар битар,
Ёзган дуосида каломлар ётар,
Покиза тилаги самога етар,
Орзуси уммону борлиқни тутар.

* * *

Меҳрингиз улашинг ёшу қарига,
Сафдош, қардош, қўшни, дўстнинг барига.
Тириклик зийнатни кутарман ҳамон,
Оқибат эгаси – бахтли ҳар замон.



* * *

Отаман дейишга топилса журъат,
Ҳаёт сарчашмаси – дилингга қувват,
Туғилган чақалоқ – илоҳий қудрат,
Покликка бошлаю ҳаётни ўргат.

* * *

Яхшилар қалбида доим эзгулик,
Инсонни улуғлаш – умри боқийлик.
Ўзгалар бахтидан қувона билсанг,
Ҳаёт гўзаллашар, турмуш чиройлик.

* * *

Кўрганга саломинг асло аяма,
Таниш, нотанишни ким экан дема.
Тухфа замирида – тарбия турар,
Юраклар завқланар, шодликка тўлар.

* * *

Инсонни оддийлик безайди мудом,
Бахту саодати бўлар бардавом.
Ирода, бардошни синаса ҳаёт,
Қалби пок инсонлар мангу барҳаёт.

* * *

Мард йигит севдими, юракдан севар,
Дастагуд, ширин сўз топиб улгурар.
Мақсадни айтишга ийманиб гоҳи,
Садоқат рамзини ҳаёда кўрар.

* * *

Рашкчининг ўзига азоби кўпроқ,
Ишончсиз яшамоқ – қалбни қийнамоқ.
Шубҳа, гумонларни четроққа суринг,
Совуқ ҳиссиётни жиловлаб юринг.



* * *

Меҳнат қуролидир – икки қўлимиз,
Ҳалолдан топмасак, очлик қулимиз.
Яланғоч туғилдик, қўллар-чи, бўм-бўш,
Кетганда ғуборсиз бўлсин йўлимиз.

* * *

Барча яхши, мен ёмон деб яшадим,
Ҳамма буғдой, мен сомон деб яшадим.
Эккан кўчатларим гул кўрсатган чоқ,
Собирга уйғониш фармон деб яшадим.

* * *

Фидойи шифокор тинчимас асло,
Ҳар қандайин дардга топади даво.
Хасталик чекинса, қувончи аъло,
Қалби беғуборнинг умри мусаффо.

* * *

Сизларни кузатгач, кўз ёшим дарё,
Қафасдек кўринди бевафо дунё.
Йўқотиш ҳижрон-у, оловли фироқ,
Болам дегувчига юрагим муштоқ.

* * *

Аёл назарида бебаҳо эркак,
Турмуш муаммосин ўнгловчи демак.
Меҳнату аҳиллик бўлса муддао,
Шаънимиз беғубор, ҳаёт мусаффо.

* * *

Фарзандни ўқитдим, едирдим дема,
Иддао бўлмасин озгина кўмак.
Ризқимиз аршда тузилган режа,
Катталар ҳиммати восита демак.



* * *

Ўшшагим келар отамга доим,
Қалби пок, покиза, сўзи мулойим.
Сўзлари қатъий, маъноли, аниқ,
Доно камтаринлар эъзозга лойиқ.

* * *

Аҳилликни бузар ноўрин шубҳа,
Аниқ мулоҳаза – ишончли тухфа.
Турли миш-мишлардан қилмасак гумон,
Бирлашганлар ўзар, яшаймиз шодон.

* * *

Пойингиз олдида бошимиз эгик,
Тарбиянгиз олиб бахт, иқбол топдик.
Оналар табаррук, улар номус, ор,
Авлодлар сизлар-ла қилар ифтихор.

* * *

Умр – асли беш кунлик дунё,
Оқаверар сершовқин дарё.
Тирикликнинг ҳар дақиқаси,
Ҳар бир они кўзга тўтиё.

* * *

Тушларимга кирганда онам,
Энтикаман қалбимда нолам.
Фиғонларим кўкка етади,
Сизсиз менга тор экан олам.

* * *

Туғилиб ўсганман юрт тупроғида,
Жайхуннинг лабида, эл кучоғида.
Тарихни ўрганиб, заминни кездим,
Қатида аждодлар изини сездим.



* * *

Қайта топдим Отам изларин
У яратган кўркам боғлардан.
Китобга теролсам, ҳикмат сўзларин,
Булоқ тўйинади баланд тоғлардан.

* * *

Илму одоблига кенгроқдур олам,
Ҳунарни эгаллаш – умр зийнати.
Саботу тажриба ақлга ўлчам,
Меҳнат самараси – ризқ кафолати.

* * *

Умр бегагидир ҳунару меҳнат,
Ҳунар – зар, ҳунар – олтиндан қиммат.
Ҳунарли бўлсангиз, зерикмайди бош,
Ҳаёт зийнатланар, яшнаб тоғу тош.

* * *

Сабру бардошсизлар жоҳил бўлади,
Сукутни билмайин, гапни бўлади.
Билимдон осуда, фикрлар холис,
Гавҳарни ҳар тошга қилмаслар қиёс.

* * *

Фазилатли бўлиб кўриниш осон,
Чинакам бўлмаса асл маъно йўқ.
Ҳафсин тия олган буюкроқ инсон,
Иўлини йўқотган аҳли доно йўқ.

* * *

Ҳар бир ишнинг баҳоси тоқат,
Мулойимга мартаба келар.
Қаноатли бўлсанг, кўрасан роҳат,
Тавозе изида эъзози юрар.



* * *

Сиҳат-саломатлик – бойлик, саодат,
Аҳил яшаганлар топар фароғат.
Ҳафсала бўлмаса, битмас бирор иш,
Шошқалоқ орттирар туганмас ташвиш.

* * *

Меҳнатингни қадрлар ҳимматли одам,
Ақлингни ўлчади қадам-бақадам.
Ишончингни оқлаб ўзар учқур от,
Улоқ майдонида кўрсатиб шиддат.

* * *

Қоқилсанг ўтирма, ўрнингдан тургил,
Йўлларинг “тош”идан эҳтиёт бўлгил.
Ғайрат-матонатинг ишга солгин-у,
Қадр-қийматингни юқори тутгил.

* * *

Ўқиган китоблар овунчим бўлган,
Она-Ватан бағри қувончим бўлган.
Умрим давомида донолар сўзи,
Илму одоб сари ундовчим бўлган.

* * *

Мумтоз наволарнинг умри бардавом,
Созу сўз бирлиги етказар ором.
Борлиқ қувончлари қуйланар жўшиб,
Ижрочи қалбини беролса қўшиб.

* * *

Ишёқмас, ўжарга дунё юзи тор,
Турмуш талаблари тоғдайин девор.
Ёшлиқдан меҳнатни севмаса киши,
Тугамас, кўпаяр ғаму ташвиши.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/1420> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/1420> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно
найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/1420>